ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙЛАШУВИ МУАММОЛАРИ: АХБОРОТЛАР ТАЪСИРИ ВА ҲИМОЯЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Кенжаев Шавкатжон Хусанович
ГулДУ доценти

Тарихда шундй жумлаларга кўзингиз тушади. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман”. Махатма Ганди Инсонларда ақлнинг жадал ўсиши, иқтидорнинг таркиб топиб бориши умр давомида тизимли ривожланиб борувчи психик жараён бўлиб, инсонга бир ва бир неча фаолият соҳаларида юқори натижаларга эришиш имконини беради. Иқтидорлиликнинг ушбу ифодаси у ҳақдаги аввалги тасаввурлардан чекиниб, иқтидорлиликни ижобий сифатлар тизимида қабул қилишни тақазо этади. Бу ўринда интеграция жараёни, яни бир бутун яхлитлик бошқа янги хусусиятлар билан ажралиб туриши назарда тутилмоқда. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тажрибамизга таяниб айта оламизки, ёркин иқтидорлилик ёки талант субъектнинг “ички” интеграция жараёни тезкорлиги, унинг қизиқишлар кўлами кенглигига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида боланинг ахборот олиш эҳтиёжини янада оширади.

Ушбу ахборотларни бола интеллектуал мулк сифатида тасниф эта олиши, ўз қизиқиш доираси асосида салбий ахборот хуружидан ижобийларини ажрата олиши керак. Бизга маълумки, иқтидорли ўқувчиларнинг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қизиқишлар доираси жуда кенг. Боланинг қизиқиши ва мақсадли эркинлигини чегаралаш, унга эътиборсизлик кўрсатиш иқтидорнинг сўнишига олиб келади. Аксинча, боланинг шахсий фаолияти кўламини кенгайтиришга имкон бериш ундаги иқтидорни янада фаоллаштиради, янги-янги нишоналар куртак бера бошлайди. Айни вақтда, уларга бериладиган ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш ва ўз билим савиясини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдаланишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга уларни турли ахборот таҳдидларидан ҳимоялаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Ахборот таҳдидларга қарши курашнинг самарали йўлларидан бири – мамлакат ўзини - ўзи ахборот билан таъминлаши зарур. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда ёшлар янада хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўскинлик қилолмайди. Мана шундай тўлиқ ахборотларни ва ёшлар учун муҳим манбааларни давлатимизнинг иқтидорли ёшлари яратадилар. Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, давлатимиз томонидан ҳам бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, энг билимга бой, илмий нуқтаи назардан асосланган ахборотлар манбаини буюк иқтидор эгалари, қомусий олимларимиз бизгача

етказиб беришган. Шу нуқтаи назардан тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Исмоил Бухороий, Ат Термизий, Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, калом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этган. Бундан кўринадики, буюк аждодларимиз ҳам ўз замонасида жуда катта иқтидор соҳиблари бўлишган.

Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профессионал ва миллий гуруҳлар вакилларига ҳар хил таъсир қилиш баробарида уни суистеъмол қилиш амалиёти турли гуруҳларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда. Бу борада иқтидорли ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчанлиги ҳамда ўз вақт ресурсига эгалиги туфайли юқори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Бошқа гуруҳларда эса, нисбатан пассивлик кузатилади.

Коммуникатив фаолликнинг юқори даражаси иқтидорли ёшларда маълумот ва ахборотларга бўлган эҳтиёжни икки карра оширади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун, ёшлар олдида ахборот танлаш имконияти шу қадар юқорики, унинг талабини қондира олмайдиган маълумотлар бир зумда қимматини йўқотиши аниқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги даврда ахборот истеъмоли аввалгилардан тубдан фарқ қилади. Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлиш давр талаби. Бироқ, бугунги кунда, шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақида ахборотларни тарқатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсон учун ахборот – энг таъсирчан воситадир, чунки унинг онги бор.

Мантиқий исбот, қолаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилмасдан яшолмайди. Айниқса иқтидорли ўқувчилар бунга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Шу нуқтаи назардан улар маълумотни кўради, эшитади, ўқийди ва энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю-кундуз унга етиб борадиган ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир руҳий таъсир қилмоқчи бўлганларга ўша одамнинг психологияси кўмаклашади. Шу нуқтаи назардан уларни зарурларини олиш, сақлаш ва узатиш тизимини тўғри йўлга қўйиш керак. Чунки ахборот хуружи психологик томондан иқтидорли ёшларнинг дунёқараши, фикри, мотивлари, хулқ-атвори стереотиплари, қадриятларини йўналтиришнинг усуллари, воситалари ва шакллари мажмуасидир.